



ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Электорат манфаатини ҳимоя қилишни

янги босқичга кўтариш лозим



БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ

Партиямиз дастурий максادلарини амалга оширишда бошланғич партия ташкилотлари фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Турли корхона ва ташкилотлардаги бошланғич ташкилотлар орқали партиямиз гоёлари кенг тарғиб қилинади. Электорат вакиллариغا ислохотлар мазмун-моҳияти тушунтириб борилади. Айна бошланғич партия ташкилотларида ўтказилаётган тадбирлар партия аъзолари ва электорат вакиллари сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтиради.

Юксак тиббий маданият — соғлом турмуш асоси

Бунинг тасдиғини Бўз туман тиббиёт бирлашмаси қошидаги ЎзХДП бошланғич ташкилоти мисолида ҳам кўриш мумкин. Бирлашманинг 6 бўлим ва 16 кишлоқ врачлик пунктларида 708 нафар тиббиёт ходими меҳнат қилмоқда. Уларнинг 80 нафарга яқини ЎзХДП аъзосидир. Бошланғич ташкилот етакчиси Доноҳон Давлатова ташаббуси билан қатор семинар-тренинглари, учрашувлари, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Машгулотларда аҳолига тиббий

«Хотин-қизларнинг ҳуқуқий, тиббий маданиятини ошириш ойлиғи»ни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида бошланғич партия ташкилоти томонидан режа ишлаб чиқилди. Шу асосда хотин-қизларнинг тиббий маданиятини ошириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда уларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш бўйича қатор ишлар олиб борилаётганда. Шунингдек, туманда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг тиббий саводхонлигини ошириш мақсадида туман хотин-қизлар кўмитаси, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда оилаларга кириб, аҳоли саломатлиги ўрганилиб, тиббий кўриклар ўтказилмоқда. Бу масалалар партиямиз Сайловолди дастурида белгиланганини ҳисобга олсак, мазкур бошланғич ташкилот амалга ошираётган тадбирлар қанчалик муҳим аҳамиятга эгаллиги маълум бўлади.

Рамбурди РАҲИМОВ, ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши Жамоатчилик ва ОАВ билан ишлаш сектори мудири.

Аввал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Пленумда асосий эътибор мамлакатимиз Президентининг Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сиёсий партиялар фаолиятини кучайтириш юзасидан вазифалар ва электорат манфаатини ҳимоя қилишни янги босқичга кўтариш масалаларига қаратилди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Ҳотамжон Кетмонов бу ҳақда маъруза қилар экан, бугунги кунда партия ташкилотлари, депутатлик тузилмалари олдида турган энг муҳим устувор вазифалар ҳақида тўхталди. Партия етакчиси таъкидладики, давлатимиз раҳбари маърузасида мамлакатимизда олиб борилаётган Конституциявий ислохотларни сезиларли даражада чуқурлаштириш, Олий Мажлиснинг ҳуқуқлари ҳамда ваколатларини янада кенгайтириш, Вазирлар Маҳкамасининг, умуман, ижро ҳокимиятининг жавобгарлигини, жамоатчилик ва парламент назоратини кучайтиришга доир долзарб гоёлар илгари сурилди. Хусусан, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг ролини кескин ошириш, мамлакатимизни ислох этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтириш демократик ислохотларни изчил амалга оширишнинг энг муҳим омилига айланмоғи кераклиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

► Давоми 2-бетда.

Мен нега ЎзХДПни танладим

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг ҳар бири ўз тарафдорлари кўпайишига, жамиятдаги мавқеи мустақамлашишга ҳаракат қилапти. Бу жараёнда қайси партияга аъзо бўлсам экан, деган савол мамлакат тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир ёшни ўйлантиради.

Бундан ярим йил олдин туманимизда битирувчиларни ишга жойлаштириш билан боғлиқ тадбир бўлиб ўтди. Унда ЎзХДП Наманган туман кенгаши фаоллари, депутатлар иштирок этиб, ёшлар бандлигини таъминлаш билан боғлиқ масалаларда фикр-мулоҳазалар билдиришди, таклифлар айтишди. Дарҳақиқат, ишга жойлашиш касб-хунар коллежини битираётган ёшлар олдида турган энг муҳим масалалардан бири. Шу боис партиянинг бу борада ташаббус кўрсатгани, ҳаётий таклифларини илгари сураётгани ёшлар орасида ЎзХДПга бўлган қизиқишни кучайтирмоқда.

Мен партиянинг Ҳаракат дастури билан танишдим. «Истиқбол» ёшлар қаноти туман бўлими таклифи билан кўплаб тадбирларда иштирок этдим. Депутатлар билан мулоқотда

бўлдим. Бу ҳақда курсдошларим билан ҳам фикрлашдим. Шундан сўнг яқинда ЎзХДПга аъзо бўлиш ҳақида қатъий қарорга келдим. Қисқа фурсатда шунга икром бўлдимки, сиёсий партия ҳаётий масалаларни қанча кўп кўтарса, бу борада ташаббускор бўлса, жамиятдаги обрўси, мавқеи шунчалик юқори бўлади. Одамлар партиянинг амалий ишларига қараб баҳо беришади. Партиямизнинг тарафдорлари тобора кўпайиб бораётгани ҳам унинг амалий ишлари билан боғлиқ. Мен ЎзХДП сафида эканимдан фахрланаман. Партия дастурий максادلари рўёбга чиқишига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан.

Умида ТИЛОВОЛДИЕВА, Наманган педагогика коллежи 3-босқич талабаси.

Таҳририятдан: Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолиятига қизиқиш тобора ортиб бораёпти, айниқса, ёшлар орасида. Буни таҳририятимизга бўлаётган мурожаатлар, келаётган хатлардан ҳам билиш мумкин. Кўпчилик нима сабабдан айнан ЎзХДП сафига киришга қарор қилгани тўғрисида ёзиб юбораёпти. Биз уларнинг фикрларини газетамиз саҳифаларида ёритиб боришга ҳаракат қилаётишимиз.

Хўш, сиз нима учун ЎзХДПни танладингиз?

Бу саволга жавобингиз ва фикрларингизни кутамиз. Ўзингиз ҳақингизда маълумот ва унга суратингизни илова қилишингизни унутманг.

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МИНТАҚАВИЙ АКЦИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 2014 йил 28 март куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШХТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги йигирма тўртинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғиз Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси ва ШХТ МАТТ Ижроия кўмитаси вакиллари иштирок этди.

Мажлисда ШХТ МАТТ Кенгашининг ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашига ШХТ МАТТнинг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси лойиҳаси маъқулланди. ШХТ МАТТ Ижроия кўмитаси директори Чжан Синьфэннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича 2013-2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, шунингдек, ШХТ МАТТ Кенгаши қарорларининг амалга оширилиш жараёни тўғрисидаги ахбороти тингланди. ШХТ МАТТ Ижроия кўмитасининг ўтган даврдаги фаолияти ижобий баҳоланди.

2014 йилнинг тўртинчи чорағида ШХТга аъзо давлатлар ва ШХТда кузатувчи давлатлар ўртасида халқаро терроризм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасида ҳамкорлик масаласига бағишланган иккинчи илмий-амалий конференцияни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни ҳамда уларнинг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида ШХТ МАТТ Кенгаши томонидан террористик, сепаратистик ва экстремистик йўлда фойдаланиладиган интернет ресурсларнинг Ягона реестри тўғрисидаги низоми тасдиқланди.

Хавфсизликка кўмаклашувчи халқаро кучларнинг Афғонистон Исломи Республикасида 2014 йилда қисман чиқарилганидан сўнг ШХТга аъзо давлатларнинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва таҳдидларга қарши курашиш бўйича қўшма чоратадбирлари келишиб олинди.

ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг интернет тармоғидан террористик, сепаратистик ва экстремистик мақсадларда фойдаланишни аниқлаш, олдини олиш ҳамда тўсиб қўйиш борасидаги ўзаро ҳамкорлиги механизми тўғрисидаги низоми тасдиқланди.

ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамкорликда ўтказилган «Шарқ-Аксилтерро — 2014» аксилтеррор машғулоти яқунларида юқори баҳо берилди.

2014 йилда ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг ҳамкорликда чегара операцияларини ўтказиш тўғрисидаги қарори маъқулланди.

Кенгаш ШХТ МАТТ Ижроия кўмитаси фаолиятини ташкилий, молиявий ва кадрлар билан таъминлашга доир масалалар юзасидан қатор қарорлар қабул қилди.

ШХТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисини 2014 йил сентябрь ойида Тожикистон Республикасида ўтказиш тўғрисида келишиб олинди.

Кенгаш мажлиси ишчанлик, амалий мулоқот ва дўстона руҳда ўтди.

ЎЗА

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

Юқоридан қўйишга эмас, қўйдан юқорига

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан Чирчиқ шаҳрида ташкил этилган амалий семинар янгича ёндашувлар асосида ўтказилди



www.uzbekistonovozi.uz

Фикр

— «Истиқбол» ёшлар қанотининг ёш сиёсатчи кўрик-танлови бу йилдан бошлаб янги тизим асосида ўтказилмоқда. Яъни, кўрик-танлов тўрт босқичдан иборат бўлиб, дастлабкиси бошланғич партия ташкилотларида ўтиши белгиланган. Айтиш керакки, кўрик-танловни ўтказишга бундай ёндашув бошланғич партия ташкилотлари нуфузини ошириш, ёш сиёсатчи-

ларни сиёсий жараёнларга фаол жалб этишга хизмат қилади. Шунингдек, ёшларда ўз фикрига эга бўлиш, сиёсий позициясини ҳимоя қила олиш, партиядошлари билан ўзаро мулоқот, тажриба алмашиш кўникмаларини мустақамлайди. Бугун мана шундай жараёнларда иштирок этиб, ўз билим ва тажрибасини ошираётган ёшлар кейинчалик нафақат бошланғич партия ташкилотлари ишини кучайтиришга муносиб ҳисса қўшади, балки партиямизнинг энг илғор фаолларига айланади, деб ўйлайман.

Нуршод РАМАЗОНОВ, ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Қибрай туман бўлими етакчиси:



Қашқадарё вилоятида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш бўйича қандай ишлар амалга ошириляпти?

Бу ҳақдаги материал билан газетамизнинг келгуси сонларидан бирида танишасиз.

2014 — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Икки ёшнинг ҳаётига жуда эрта дарз кетди

Бунга сабаб...

Риштонда бўлиб ўтган бу никоҳ тўйининг дабдабаси эмас, балки ака-синглининг қуда бўлгани тилга тушганди. Кўни-қўшни, маҳалла фаоллари, шифокорлар шу тўйни тўхта-тайлик, дея икки хонадонга ҳам неча бор қатнадилар.

— Синглининг кўнгли ярим, бева боши билан қизини не ҳас-ратда катта қилди. Энди жиянимни ўзим келин қиламан, — деб туриб олди ака.

— Охири хайрли бўлсин-да, — иложсиз дуо қилди кексалар.

Тўй ўтди. Хонадонга ҳамма ҳавас қилгудек одобли, ораста келин келди. Вақт ўтиб, хомилдор бўлди. Шу кундан бу оиланинг қувончига қувонч қўшилди. Ахир тез орада ака-сингил қудалар набирали бўлишди.

Одатдаги тиббий кўриқ чоғида келинга вилеят скрининг марка-

зига бориб, яна бир бор текширувдан ўтиш тавсия қилинди. У ердаги мутахассислар эса хомила ногирон, уни дунёга келтириш хавфли экани ҳақида хулоса берди. Шундан кейин қудалар хонадони узра қора булутлар суза бошлади. Энг аянчлиси ёшларнинг келгусида ҳам соғлом фарзанд кўриши даргумон эди. Қайта-қайта текширув ва тушунтиришлардан сўнг ака-сингил қудалар тиббий хулосаларга бўйсунушга мажбур бўлдилар. Икки ёшнинг ҳаётига жуда эрта дарз кетди.

— Афсуски, 2013 йилда вилеятимизда уч марта шундай воқеа рўй берди, — дейди вилеят скрининг маркази шифокор-мутахассиси Турсуной Солиева. — Уч ҳолатда ҳам ногирон болалар дунёга келди ва ақлан заиф, туг-



М.КОДИРОВ олган суратлар.

ма хромосома хасталигига чалинган бу чақалоқлар икки оила аъзоларини ҳам изтиробга солди.

Фаргона вилеят скрининг марказида Президентимизнинг 2013-2017 йилларда болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни эрта аниқлаш Давлат дастури тўғрисидаги қарори асосида хомилдорларни текширувдан ўтказиш ва тарғибот-ташвиқот ишлари кенг миқёсда олиб борилмоқда. 2013 йилда 70635 нафар ёки 99,6 фоиз хомилдор аёл шифокорлар назоратидан ўтди.

— Аёлларимизнинг тиббий саводхонлик даражаси ортиши соғлом бола туғилишини таъмин-лаётди, — дейди бош шифокор Нигора Абдурахмонова. — Биз ҳар ойда бир неча кун давомида туманларда, чет қишлоқларда бўлиб, хомилдор аёлларни текшираемиз. Тиббий маданият ҳа-

қида суҳбатлар, савол-жавоблар ташкил этамиз.

Ушбу марказнинг, айниқса, қишлоқ врачлик пунктлари билан ҳамкорликдаги ишлари эътиборга лойиқдир.

— Биз вилеятдаги 200 га яқин ҚВП билан ҳамкорлик дастури тузганмиз ва улар рўйхатида турувчи хомилдор аёллар тўлиғича бизнинг назоратимизга ўтган. Шунингдек, ёшлар, ота-оналар билан алоҳида машғулотлар ҳам ташкил қилинган, — дейди шифокор Ирода Аҳмаджонова. — Нуқсонли хомилдор эса асосан организмда йод етишмаслиги, яқин қариндошлар никоҳи ҳамда наслдан наслга ўтиб келувчи ирсий касаллик туфайли пайдо бўлади. Амалга ошираётган ишларимиз туфайли уларнинг сони кескин қисқармоқда.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Кўлингиз асло дард кўрмасин...

МИННАТДОРЛИК

Икки ёшли неварам Шохжаҳон томоқ хасталигидан бир неча ой азият чекди. Камқонлиги учун шифокорлар операцияни кечиктиришди. Туни билан тўйиб нафас олмасдан, қўллари билан бўйинини кўрсатаётган гўдакни охирикўлат Тошкент педиатрия-тиббиёт институти клиникасига ётқизишга тўғри келди.

Очигини айтганда, ушбу шифо масканда она-бола учун яратилган тиббий-ма-

иласидан дилинг яйрайди. Уларнинг меҳр чироғидан бу ерга келгунча қоронғу тортган кўнглинг нурга чулғанади. Ҳали палатага жойлаштишга улгурмасимиздан болани тўла тиббий куриқдан ўтказишди. Қайси хонага қирмайлик, малакали ходимлар синчилаб текшириб, натижалар асосида неварамга аниқ ташхис қўйишди.

Бугун неварам дарддан тўла фориғ бўлди. Бунда уни операцияга бўлган жараёнда даволаган бўлим мудираси Мунира Ақбархўжаева, бевосита жарроҳлик амалиётини ўтказган тиббиёт фанлари доктори, профессор Хуррам Қорабоев, шифокор Шерзод Фуломов ва бошқа тиббиёт ходимларининг ҳиссаси катта бўлди.

Ота-онага соғайган фарзандининг қувончини кўришдан ортқ улуг туҳфа бўлмаса керак. Ана шу бебаҳо неъматни улашиш йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган клиника шифокорларига чин дилдан: «Кўлингиз асло дард кўрмасин» дейман. Шундай бола-ча мамлакатда умргузаронлик қилаётганимдан чексиз бахтиёрман.

Ғайратжон БОЛТАБОВЕВ,
меҳнат фахрийси.





Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва меҳмонлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Электромагнит мослашув маркази огоҳлантиради:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузайтиргичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузатгич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича Электромагнит мослашув маркази ва унинг вилеят бўлинмаларига мурожаат қилишингиз мумкин.

БИЗНИНГ МАНЗИЛЛАР:

Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 22-уй, блок «В», тел. 230-61-13, 120-30-22.	Навоий шаҳри, Амир Темур кўчаси, 4-уй, 802-хона, тел. 230-64-69.
Андижон шаҳри, Чўлпон шоҳ кўчаси, 5-уй, 49-хонадон, тел. 230-64-65.	Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-а уй, 2-корпус, 54-хонадон, тел. 230-64-72.
Бухоро шаҳри, академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, тел. 230-64-66.	Самарқанд шаҳри, Сельский, Қолбоғ п/б, ТРНС, тел. 230-64-80.
Жиззах шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, АТС-4 биноси, тел. 230-64-68.	Термиз шаҳри, 5-кичик даҳа, 1-уй, 16-хонадон, тел. 230-64-79.
Нукус шаҳри, Ерназар Алақоз кўчаси, ШАТС биноси, тел. 230-64-75.	Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй, тел. 230-64-67.
Қарши шаҳри, 2-микрорайон, 43-уй, 62-хонадон, тел. 230-64-78.	Фаргона шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 37-г уй, 36-хонадон, тел. 230-64-74.
	Урганч шаҳри, Нажмиддин Кубро кўчаси, 7-уй, тел. 230-64-77.




DIQQAT, AKSIYA!

VISA CLASSIC yoki VISA GOLD kartasini oching va CHINA UNION PAY kartasini sovg'a tariqasida oling!

+99871 231-60-00

www.aab.uz Xizmatlar litsenziyalangan